


Тазкия дарслари (70-дарс). Поклик иймоннинг ярмидир



13:45 / 01.02.2020 5500

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш борасидаги воситалардан бири таҳоратдир.

Араб тилидаги «таҳорат» сўзини ўз тилимизга таржима қиладиган бўлсак, «поклик» деган маъно келиб чиқади.

Таҳорат «тоҳура» сўзининг масдари бўлиб, «покиза бўлди», «кири кетди» деган маъноларни англатади.

Бу маънодаги поклик кенг тушунчадир. Уни барча покликларга нисбатан ишлатиш мумкин. У нажосат ва ҳайзининг зиддига ҳам, кирдан ва гуноҳдан покланишга ҳам ишлатилади.

Қуръони каримда «таҳорат» сўзи гуноҳдан ва бутлардан покланиш маъносида, ҳалол маъносида, қалб поклиги маъносида ҳамда фаҳшдан, бетаҳоратлик ва нопок нарсалардан покланиш маъноларида келган.

Уламолар истилоҳида ҳам таҳоратнинг ўз маъноси бор.

Бу ҳақда Роғиб Асфиҳоний айтади: «Таҳорат икки хил бўлади: жисм таҳорати, нафс таҳорати. Иккисининг ҳам истилоҳий маъноси бор. Нафс таҳорати гуноҳларни тарк қилиш, аҳли солиҳ бўлиш ва нафсни айблардан тозалаш учун амал қилишдир. Жисмнинг таҳорати эса бетаҳоратликни

кўтариш ёки нажасни кетказиш ёхуд иккисининг маъносидаги ва суратидаги нарсалардир».

Исломда ибодатларнинг қабул бўлиши уларнинг поклик асосида адо этилишига боғлиқ. Бизда поклик йўлида қилинган ҳар бир иш юқори баҳоланади ва уни қилган кишига улкан ажр-савоблар, олий мартабалар берилади.

Қуръони Каримда таҳоратнинг турли маъноларига оид йигирма олтита оят келган. Шулардан баъзиларини намуна учун ўрганиб чиқамиз.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Тавба сурасида марҳамат қилади:

فِيهِ تَقُومَ أَنْ أَحَقُّ يَوْمٍ أَوَّلٍ مِنَ التَّقْوَى عَلَى أُسْسٍ لِمَسْجِدٍ أَبَدًا فِيهِ نَقْمٌ لَا

الْمُطَهَّرِينَ يُحِبُّ وَاللَّهُ يَنْظُرُ وَأَنْ يُحِبُّونَ رِجَالٌ فِيهِ ١٠٨

«Унда (масжидда) ҳеч қачон турма! Албатта, биринчи кундан тақво асосида қурилган масжид унда туришинг учун ҳақлидир. Унда покланишни севадиган кишилар бор. Аллоҳ эса покланувчиларни севади» (108-оят).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ушбу ояти каримада покликни ва пок кишиларни мадҳ этмоқда. Пок кишиларни яхши кўришини эълон қилмоқда. Бу эса Аллоҳ таоло томонидан покликка қанчалик эътибор берилишини кўрсатиб турибди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан таҳорат ҳақида олтмишдан зиёд ҳадислар ривоят қилинган.

Абу Молик ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Поклик иймоннинг ярмидир. «Алҳамду лиллааҳи» тарозини тўлдирур. «Субҳаналлоҳи ва Алҳамду лиллааҳи» осмонлару ернинг орасини тўлдирурлар. – ёки тўлдирур. – Намоз нурдир. Садақа бурҳондир. Сабр зиёдир. Қуръон сенинг фойданга ёки зараринга ҳужжатдир. Барча одамлар ҳаракат қилиб ўз жонини савдога қўювчидир. Бас, улар уни озод қилувчи ёки уни ҳалок қилувчилардир».

Муслим, Насойй ва Термизий ривоят қилишган.

«Руҳий тарбия» китобидан